ИННОВАЦИОН ТАФАККУР ҲАҚИДА ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Шаҳноза Турсунова
Урганч давлат университети
shahnozatursunova.85@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инновацион тафаккурнинг инсон онги, ақлу идроки, тасаввурлари каби субъектив фаолиятига оид ижодий-амалий фаолият тури экани қайд этилади. Бу фаолият тури рационалга, жамият эҳтиёжи ва талабларига таяниши очиб берилади.

Калит сўзлар: инновация, инновацион тафаккур, жамият, ақлу идрок, рационал, субъективлик, ривожланиш, ўзгариш, янгиланиш, билиш.

SCIENTIFIC AND PHILOSOPHICAL REFLECTIONS ON INNOVATIVE THINKING

Shahnoza Tursunova
Urgench State University
shahnozatursunova.85@gmail.com

ABSTRACT

In this article, innovative thought is described as the creational – practical activity of human consciousness, mind, perspective and imagination that belong to subjective activity. It was enclosed that this activity is dependent on rationals, social needs and demands.

Keywords: innovation, innovative thought, society, mind and perspective, rational, subjectivity, development, change, renovation, knowledge.

КИРИШ

Инсон онги, ақлу идроки мавжуд ёндошувлар, таърифлар ва андозали фикрлар билан қониқмайди, уларни ўзгартиришни, янгилашни истайди. Янгилик излаш, янги фикрларга интилиш инсондаги билиш хислатига, гносеологик эҳтиёжларга монанддир. Шундай экан, инновация аввало инсондаги ички, маънавий-руҳий ва гносеологик эҳтиёжлар маҳсулидир.

Инновацион тафаккур тагида ён атрофни ижтимоий ҳаётни рационал асосида янгилаш ўзгартириш истаги ётади. Инсон онги ақлу идрокидаги янгиликка ўчлик, эҳтиёж рационал асосга қурилганида инновацион моҳият касб

этади. Демак инновацион тафаккур ён-атрофини ўзгартиришга янгилашга қаратилган рационал асосли субъектив фаолияти демакдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тафаккур субъектив воқелик, у онг , ақлу-идрок , тасаввур ва билиш жараёни билан боғлиқ. Бироқ барча онг шакллари , ақл-у идрок усуллари, тасаввур ва билимлар инновацион тафаккур бўлавермайди. НОБЕЛ мукофотиниг совриндори XX асрнинг йирик ақл эгаларидан бири Бертран Рассел инсон билишининг турли шакллари ва жараёнларини тадқиқ этиб, “Инсоннинг билиши” асарини чоп қилдирган. У инсонга хос бўлган математик, табиий метафизик, геологик билимларини таҳлил этади, онг ва ақл у идрокнинг зиддиятли изланишларини кузатади. Барча соҳада янгиликка иштиёқ кўради, рационал фикрлаши туфайли инсон ўз ҳаётини турли тарзини юксалтиргани билиш доираларини кенгайтирганини қайт этади. Агар шундай натижа бўлмаганида инсон ўз изланишларидан ақл у идроки меҳнатларидан изтиробларидан моҳият топмасти [1; с. 4-5]. Шундай экан, инсон ниманидур билади, Сукротнинг “ҳеч нимани билмаслигимни билдим” [2;с.168], деган фикрини мутлақлаштирмаслик керак. Агностизм ва релятивизм ҳам инсон ақл у идроки қувватини инкор қилолган эмас. Б. Рассел ҳақ, инсон билади, аммо унинг билимлари чекланган, нисбий, гоҳо шубҳали. Лекин у билади ва у ўзининг бу фазилати кучига ишонади. Суқрот ҳаётда битта эзгу нарса бор – у билим, билимсизлик эса ёвузликдир, деганида инсон билимини очиқ эътироф этган [3;с.188] .

НАТИЖАЛАР

Инновацион тафаккурнинг кучига қудратига ишонган давлат, жамият унга таянади, ўз ҳаётини ўзгартиришни янгилашни инновацион изланишга қуради. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишни ўзининг стратегик вазифаларидан бири деб билади, шунинг учун инновацион изланишларини барча соҳаларга тадбиқ этишга интилмоқда, 2018-2020 йил ичида Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан бевосита инновацияга оид 30 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларни мақсадли амалга ошириш ва бошқариш мақсади инновацион ривожланиш вазирлиги ва жойларда Инновация марказлари ташкил қилинди. 2021 йилга келиб ажратиладиган маблағ икки ярим баробар оширилади, ҳар бир илмий техник ишлашга махсус технологиялар орқали амалиётга жорий этилади, инновация бозорлари шакллантирилади. Илмий- техник кадрлар тайёрлаш

тизими кенгайтирилиб, махсус олий ўқув юртларига қабул квоталари деярли 3 баробарига етказилади. Президент мактаблари эса инновацион тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш ўчоқларга айланаётгани ижобий ҳодисадир.

Жамият, маданият ва таълим ривожланаётган бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида таълимий инновациялар татбиғини яхшилаш, инновацион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини аниқлашда “янгилик”, “янгилик киритиш”, “янгиланиш”, “инновацион фаолият”, “инновацион маданият” каби тушунчаларни ўқув жараёнида сифатли натижаларни бера олади. Шундай экан, инновацион тафаккурга эга педагоггина фаолияти давомида педагогик инновациянинг юқори натижавийлик мезонининг қиммати баркамол шахсни шакллантиришни таъминлаш ҳисобланади.

МУҲОКАМА

Таълим устуворлиги, таълим мазмуни ва тузилиши ўзгармоқда. Фарзандларимиз биздан кўра кучли ва билимли ва албатта бахтли бўлишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса олдимизга теран фикрлайдиган маънавий баркамол шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Афсуски, замонавий таълим амалиётида “таълимда инновация”, “педагогик инновация” тушунчаларини эшитганмиз-у, лекин туб моҳиятини англай олмаймиз ёки англашни истамаймиз. Бугунги кунда Ўзбекистон ўрта мактабларида таълим сифатига таъсир қилаётган қандай асосий муаммолар мавжуд? Бу саволга кўплаб сабабларни кўрсатишимиз мумкин, авваломбор синфларда ўқувчилар сони ҳаддан ташқари кўп, яна шу ўринда табиий савол туғилади: 45 дақиқа давомида (дарс вақти) ўқитувчи ҳар бир ўқувчига етарли вақт ажрата оладими ҳамда бундай ҳолатда таълим сифатини қандай ошириш мумкин? Техника ва технологиялар асрида яшаётган эканмиз, танганинг икки томонини ҳам эътиборга олишимиз шарт. Қарс икки қўлдан чиқади, деган гап бор. Демак, ота-она ва ўқитувчи ўртасида қатъий шартнома тузилиши зарур, ушбу шартномадаги ўзгармас тартиблар ота-она ва ўқитувчи томонидан ўқувчини билим олишга интилиш ошади ва таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Инновацион тафаккурда илмий -фалсафий мушоҳадалар учун мавзу, муаммолар талайгина. Биринчиси шундаки, инновацион тафаккур қайси жиҳатлари хусусиятларига мувофиқ жамиятга, ижтимоий онгга зарур?

Наҳотки, бундай тафаккур XXI асрга тааллуқлими деган савол туғилади? Илмий – тафаккурий изланишлар тарихи ва назарияси билан таниш илм кенгаши бу саволга иккиланмасдан, янгиликка интилиш буни очиқ эътироф

этиш XXI асрга тааллуқли деб жавоб беради. Кейинг асрлардаги илмий техник кашфиётлар бу фикрларга бир нарсани қўшди, яъни инновацион ривожланиш - глобал воқеалик, у глобаллашув таъсиридир. Ҳа глобаллашув илмий - техник изланишларга қизиқиш уйғотди, уларни жорий этишни тараққиёт кафилларига айлантирди. Мазкур илмий – техник ва ижтимоий фалсафий қарашни рад этиш қийин, ҳар бир янгилик, модернизация бугун инновация сифатида қаралиётганида унга шубҳа билан қараш тараққиётга зид ёндашув бўларди. XX -XXI аср илмий - техник кашфиётларга қизиқиш уйғотди, шунинг унинг натижалари турли инқирозларга олиб келиш мумкинлигини кўрсатди. Тан олиш керакки, бу инқирозлар таъсири фожиали, инсоният қайси нуқтага, нимага етиб келганини англай олмай қолди. У ҳал қила олмай қолган фожиаларни глобаллашув билан боғлашга ўрганиб қолаяпди …

Иккинчиси, биз глобаллашув инқирозлар натижани эътороф этаяпмиз, кўраяпмиз, аммо уларни ўзгартиришни илмий техник натижаларини топишни эплай олмаяпмиз. Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Орол бўйида янги экологик муҳит боғ-роғлар яратиш амалга оширилмоқда, туристик марказлар ташкил этилмоқда. Мазкур олийжаноб эътиборлик аммо асрлар давомида юзага келган ушбу инқирозни бартараф этишга ижтимоий саъй-ҳаракатлар етарлимикан? Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, табиий ҳодисага айланган глобал инқирозларни бартараф этишни миллий, ҳудудий ёндошувлар, сарф-харажатлар билан ҳал қилиш қийин. Бу ўринда халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги зарур. Хўш, бу ҳамкорлик инновацион тафаккурда мавжудми? Мавжуд тажрибалар ва илмий ёндошувларни кузатиш кўрсатади, ҳозирги инновацион тафаккур глобал муаммоларга эмас, балки этноҳудудий муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Ҳатто рационал, минтақавий муаммоларга ҳам уларнинг қизиқиши борлиги сезилмайди. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган информацион хусусиятга эга мақолалар кўпинча расмий ва декларатив кўринишга эга, уларда илмий таҳлил, ёндошув кўзга ташланмайди.

Тўғри газета-журналлар илмий таҳлилни тақозо этавермайди. Уларда асосий ахборот етказиш, тарғибий ишлар назарда тутилади.

Учинчиси, инновацион тафаккурни бугун ким шакллантиради? Ушбу субъектларнинг аниқ вазифаларга эгами? Бу саволнинг ижтимоий-фалсафий ёндошишини тақозо этади. Давлат ва жамият инновацион ривожланишига бош-қош бўлар экан, улар асосий масъулиятни, инновацион ривожланиш стратегиясини аҳоли, кишилар онгига сингдиришни ўз зиммасига олиши зарур. Кишилар, аҳоли ўзидан ўзи инновацион ўзгаришларга мойиллик

кўрсатавермайди, уларда консерватизмга, барқарор нарсаларни қўллаб-қувватлашга мойиллик кучли. Инновацияга қаршилик, тўсқинлик ана шу қатламдан туғилади, бу қатламдаги корсерватизмни енгиш учун фақат ижтимоий-сиёсий куч, унинг аҳди, қарори зарур. Тарихий-ижтимоий ривожланиш кўрсатдики, бирорта инновацион ўзгариш, янгиланиш давлат ёрдамисиз амалга ошмаган. Ҳатто, АҚШ дек фуқаролик жамияти институтлари ривожланган давлатда ҳам инновациялар сиёсий тузум иштирокисиз, қўллаб-қувватлашисиз амалга ошмайди. Бу давлатнинг тоталитар механизмга айланишига мисол эмас, лекин ижтимоий, инновацион ривожланиш йирик сиёсий куч-давлат қўллаб-қувватлаши орқали рўй беришини кўрсатади холос.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан чиқариладиган хулосалар шуки, инновацион тафаккур ижтимоий тараққиёт эҳтиёжи, объектив заруриятдир. Бу заруриятни ратционал тарзда англаш инсон аклу идрокининг маҳсули сифатида идрок этиш жамият тараққиётига оид ижтимоий фалсафий билимларни тақозо этади. Мазкур билим янгиланиш мохиятини давр талабларига мувофиқ идрок этиш, аммо бу гносеологик изланишлар зиддиятли кечишни унутмасликни англатади. Жамиятимиз илмий тафаккур, инновацион ғоялар ва ишланмаларни оммалаштиришга даъват этилган. ОАВ мазкур вазифани этарли англай олганми? Минг афсуски, бунга тасдиқ жавобини бериш қийин. Гап уларда инновацион тафаккур ҳосилаларини етарли даражада баён қилмасликда ёки ёритмасликда эмас балки, уни объектив зарурият сифатида идрок этишнинг етарли эмаслигидадир.

Инновацион тафаккур, гоҳо замонавий ёндашиш илмий техник кашфиётларга тақлид сифатида кўринади. ОАВ, адабиётларда инновацион тафаккурнинг туб моҳияти эмас, унинг имитацияси ёритилади. Натижада оддий изланиш ҳам инновацион ишланма сифатида келтирилади. Бизнинг фикримизча, инновацион тафаккур туб янгиланиш ўзгариш ясашга қаратилган онгнинг, ақлу идрокнинг изланишидир. Рационалга таяниш унинг асосий меътодидир. Ушбу ёндашувни англамагунча, унга таянмагунча биз нновацион тафаккурнинг функционал хусусиятларини обьектив баҳолай олмаймиз.

REFERENCES

1. Рассел Б. Человеческое познание.-Москва: Госполитиздат, 1951.
2. Энциклопедия афоризмов.-Минск: Совр. Литератор, 2007.